

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ
ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ВА НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВА ДИЛАФРУЗ ТОУФУКОВНА

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚУРУҚ-ИССИҚ ИҚЛИМИ ШАРОИТЛАРИДА
БИНОЛАР ИССИҚЛИК ҲИМОЯСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ МАҚСАДИДА ТЎСУВЧИ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ
ИССИҚЛИК РЕЖИМИНИ ҲИСОБЛАШ УСЛУБЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.09.01 – Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора (PhD) философии по
техническим наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Шарипова Дилафруз Тоуфуковна

Ўзбекистоннинг куруқ-иссиқ иқлими шароитларида бинолар иссиқлик
ҳимоясининг самарадорлигини ошириш мақсадида тўсувчи конструкциялари
иссиқлик режимини ҳисоблаш услубларини такомиллаштириш3

Шарипова Дилафруз Тоуфуковна

Развитие методов расчета теплового режима ограждающих конструкций в
целях повышения эффективности тепловой защиты зданий в условиях сухого
жаркого климата Узбекистана.....21

Sharipova Dilafruz Toufukovna

Development of methods for calculating the thermal regime of enclosing structures
in order to improve the efficiency of thermal protection of buildings in dry hot
climate of Uzbekistan.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....44

**ТОШКЕНТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ, ТОШКЕНТ
ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ, САМАРҚАНД
ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ВА НАМАНГАН
МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.11.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

ШАРИПОВА ДИЛАФРУЗ ТОУФУКОВНА

**ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҚУРУҚ-ИССИҚ ИҚЛИМИ ШАРОИТЛАРИДА
БИНОЛАР ИССИҚЛИК ҲИМОЯСИНИНГ САМАРАДОРЛИГИНИ
ОШИРИШ МАҚСАДИДА ТЎСУВЧИ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ
ИССИҚЛИК РЕЖИМИНИ ҲИСОБЛАШ УСЛУБЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.09.01 – Қурилиш конструкциялари, бино ва иншоотлар

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.2.PhD/T.826 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент темир йўл муҳандислари институтида бажарилган. Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме). Тошкент архитектура-қурилиш институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.taqi.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Щипачева Елена Владимировна
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ашрабов Анвар Аббосович
техника фанлари доктори, профессор
Аббасов Ёркин Садыкович
техника фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Тошкент архитектура-қурилиш институти, Тошкент темир йўл муҳандислари институти, Самарқанд Давлат архитектура-қурилиш институти ва Наманган муҳандислик-қурилиш институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.T.11.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «5» март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100011, Тошкент ш., Абдулла Қодирий кўчаси, 7В-уй. Тел.: (99871) 241-10-84; факс: (99871) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент архитектура-қурилиш институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 19 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100011, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 13-уй. Тел.: (99871) 244-63-30; факс: (99871) 241-80-00).

Диссертация автореферати 2019 йил «20» феврал куни тарқатилди.

(2019 йил «23» январ 2 - рақамли реестр баённомаси).

Х.А. Акрамов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Х. Камитов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.н., профессор

А.А. Ходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда куруқ-иссиқ иқлим шароитларида юқори даражада иссиқлик сақлаш хоссаларига эга бўлган биноларни барпо этиш салмоғи тобора ортиб бормоқда. Ривожланган мамакатларда, жумладан АҚШ, Германия, Дания, Италия, Финляндия, Нидерландия ва Япония каби давлатларда энергия самарадорликни ошириш мақсадида қурилишда фойдаланиладиган янги энергия самарадор материал ва конструкцияларни яратиш, улардан фойдаланиш, куруқ-иссиқ иқлим шароитининг бино ва иншоотларга таъсирини ўрганиш, уларни лойиҳалаш ва прогнозлаш технологияларини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилмоқда. Шу жиҳатдан қурилиш меъёрларини такомиллаштириш, қурилиш объектларини уларга мувофиқлигини таъминлаш, кўп қатламли тўсувчи конструкцияларда иссиқликнинг тарқалиш динамикасини аниқлаш, ёзги иссиқ кетиш шароитларида иссиқликка чидамлилиқ ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш, энергия тежаш чора-тадбирлари самарадорлигини аниқлаш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда тўсувчи конструкцияларда ташқи иқлим омиллари таъсирида кечадиган иссиқлик-физик жараёнларни ишончли тавсифлаб берадиган математик моделларни яратиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунга боғлиқ равишда, горизонтал ва вертикал тўсиқ конструкциялар учун, уларни ёруғлик томонларига қараб жойлашганлигини ҳисобга олган ҳолда, реал физик жараёнларни ўта аниқ тавсифлай оладиган, ностационар ҳарорат ва иссиқлик оқимларининг ҳисоблаш усуллари ва математик моделини ишлаб чиқиш, шунингдек замонавий иқлим шароитларида фуқаролик бинолари ташқи деворлари ва қопламаларининг энергетик самарадорлигини ошириш даражасини аниқлаш усулларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамызда қурилиш соҳасида фуқаро ва саноат биноларининг эксплуатация жараёнида энергия сарфини камайтиришга қаратилган энергия тежаш технологияларини татбиқ этиш бўйича кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, «...миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётда энергия ва материал сарфини камайтириш, ...ишлаб чиқаришга энергиятежамкор технологияларни кенг татбиқ қилиш...»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан куруқ иссиқ иқлим шароитларида энергия тежайдиган самарали қурилиш объектлари учун ташқи тўсувчи қопламалар конструкцияларни, ташқи юзада нурли-конвектив иссиқлик алмашинувида конструкциялар ҳисоблаш усулларини такомиллаштиришдан иборат.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони, 2016 йил 28 сентябридаги ПҚ-2615-сон “Қурилиш индустриясини 2016-2020 йилларда янада ривожлантириш”, 2017-йил 8-августдаги ПҚ-3182-сон “Худудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш бўйича устувор чоратадбирлар тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларини амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Яқин ва узоқ хориж давлатларининг илмий адабиётларида янги технологияларга асосланган тўсиқ конструкцияларини янги лойиҳавий ечимлари, шу билан бир қаторда, ташқи иссиқлик изоляцияси тизимлари, вентиляцияланувчи тўсиқлари уланиш нуқтасидаги уч қатламли тузилмаларнинг энергия самарадорлигини исботлаш бўйича мавзулар таҳлили кузатилади. Lay S.D., Redpath J.T., Bodmenn H.W., Hopkinson R.G., Manning P., Taylor L.H., Ne'eman E., Hopkinson R.G. ва бошқалар ушбу масалани ечишга ўзларини катта ҳиссаларини қўшишган. Иссиқлик ўтказувчанлик назариясини ўрганишга бағишланган фундаментал тадқиқотлар Г. С. Карслоу ва Д. К. Егер, А. В. Лыков ва Ю. А. Михайлов, П. В. Цой, Э. М. Карташов, О. М. Алифанов, А. Г. Шашков, Н. И. Никитенко, Л. А. Коздоба, В.С. Зарубин, Ф.М. Камъи, В.Л. Рвачев ва А.П. Слесаренко, Н. М. Беляев ва А. А. Рядно, Ю.С. Постольник ва бошқалар ўз илмий ишларида акс эттирганлар. Ўтган асрнинг 80-йилларида рус олимлари Ю.А. Табунщиков, Ю.А. Матросов ва М.М. Бородачлар томонидан бино конструкцияларининг иссиқликдан ҳимоя қилиш назарияси асослари таклиф қилинди. О.Е. Власов, Л.А. Семенов, А.М. Шкловер ва бошқалар қурилиш физикасининг термал барқарорлик назариясини ривожлантиришга улкан ҳиссаларини қўшдилар.

Мамлакатимиз олимлари Э.А. Насонов, С.А. Ходжаев, Р.М. Маракаев, Р.А. Кучкаров ва бошқалар томонидан, биноларнинг энергия самарадорлигини ошириш соҳасида меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштиришга қаратилган изланишлар олиб борилган. Е.В. Щипачева томонидан Марказий Осиё минтақасининг иқлими бинонинг ички муҳитини шакллантириш хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда иссиқлик ҳимоясининг асослари кенгайтирилган. Ўзбекистон геофизиклари Г.Я. Умаров ва А. Я. Ершовлар ўтган асрнинг 70-йилларининг бошларида фуқаро биноларининг энергия самарадорлигини ошириш учун қуёш энергиясидан фойдаланиш имконияларини ўрганишди.

Олдинги тадқиқотларни таҳлил қилиш, шунингдек, Марказий Осиёдаги лойиҳалаш ва қурилиш тажрибаси шуни кўрсатдики, янада мукамал иссиқликдан ҳимоялаш хусусиятларига эга бўлган қурилиш конструкция-

ларини яратиш учун мавжуд иқлим шароитида кўп қатламли иншоотларда иссиқлик узатиш жараёни ҳақида тўлиқ ва ишончли маълумот тўплаш талаб этилади. Бундан ташқари, назарий ва экспериментал тадқиқотлар орасидаги фарқни ҳисобга олиб, иссиқлик кўчиши жараёнининг чизиксиз моделини алмаштирган, ностационар иссиқлик ўтказиш жараёнининг соддалаштирилган чизикли модели асосида олинган, иссиқлик инерцияси, ҳарорат тебранишлари сўнишини баҳолаш учун маълум формулалар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлар режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент темир йўл муҳандислари институтининг илмий-тадқиқот ишлар режасининг №А-15-2018 “Ўзбекистон Республикаси иқлими шароитида турар-жой бинолари ташқи деворларини термоянгилаш учун сарф бўладиган сармояларни энергия ресурслари нархини ошишини эътиборга олиб қопланишини баҳолашнинг экспресс усули” (2018-2019) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади ташқи ҳаво ҳароратининг ўзгариши ва қуёш нурланиши интенсивлиги таъсирини эътиборга олган ҳолда бино тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик режимини ҳисоблаш усулини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

координатлар ва вақтнинг функцияси сифатида қуёш радиациясини ҳисоблаш моделини ишлаб чиқиш;

глобал ва минтақавий иқлимнинг ҳозирги динамикаси шароитида Ўзбекистон иқлимининг энергия салоҳиятини баҳолаш бўйича Ўзбекистонни иқлимий ҳудудларга бўлишни комплекс ёндашув асосида ишлаб чиқиш;

вертикал ва горизонтал тўсувчи конструкцияларни уларнинг ёруғлик томони ориентациясидан келиб чиқиб стационар ҳарорат ва иссиқлик оқимларини ҳисоблашнинг усули ва математик моделини ишлаб чиқиш;

Ўзбекистоннинг иқлимий ҳудудлари учун бино ва иншоотларнинг тўсиқ конструкцияларида иссиқлик оқимлари ва ҳароратларнинг ўзгарувчан қийматларини ўрганиш учун рақамли тажрибалар ўтказиш;

нурли-конвектив иситиш шароитида чордоқсиз ёпмаларнинг иссиқлик режимини назарий баҳолаш;

замонавий шароитларда фуқаро биноларининг тўсувчи конструкцияларини иссиқликдан муҳофаза қилиш даражасини оширишга қаратилган энергияни тежаш сарф-харажатларни қоплаш муддатини ҳисоблашнинг услуги ва компьютер дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида фуқаро биноларининг ташқи тўсувчи конструкциялари олинган.

Тадқиқот предмети ташқи тўсувчи конструкцияларини лойиҳалашнинг экспериментал ва назарий асослари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий-техник натижаларни аналитик умумлаштирилиши, ўрганилаётган жараёнларни физик-математик

моделлаштириш, эҳтимоллар назарияси ва математик статистика, тажриба ўлчовларни бажариш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотларнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

эркин ориентирланган юзага тушувчи, координатлар ва вақтнинг функцияси сифатида ёз даврида иссиқлик келишини ҳисобга олган ҳолда қуёш радиациясининг ҳисоблаш модели ишлаб чиқилган;

қайта тикланадиган энергия манбалар учун энг қулай ҳудудларни аниқлаш имконини берадиган – қўшимча таъминланганлик коэффицентли, ҳудудлар иқлими энергия салоҳиятини тавсифловчи параметр ишлаб чиқилган;

Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитларида юқори аниқликни таъминлайдиган ва ҳақиқий чизиқли бўлмаган иссиқлик узатиш жараёнларини инобатга олган ҳолда биноларнинг тўсувчи конструкцияларида иссиқлик узатиш жараёнларини ифодалайдиган математик модел ишлаб чиқилган;

қуёш радиациясининг интенсивлиги ва ташқи ҳавонинг ҳароратидаги тебранишлар таъсирини ҳисобга оладиган иссиқлик узатиш жараёнларининг ностационар моделларининг аналитик боғлиқликлари бирлаштирилган томнинг иссиқлик режимини тавсифловчи тенгламалар тизимини ҳисобга олган ҳолда аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

«Ўзбекистон ҳудуди учун биргаликда таъминланувчи коэффицент ва ихтиёрий ориентирланган юзага тушадиган қуёш радиациясини ҳисоблаш» усули ишлаб чиқилган;

«Кўп қатламли қурилиш конструкцияларини иссиқлик ўтказишини қуёш радиациясини ҳисобга олиб ҳисоблаш» усули ишлаб чиқилган;

«Лойиҳаланаётган ва термоянгиланаётган турар-жой биноларини иссиқлик ҳимоясини оширишга сарф бўладиган ҳаражатларни қопланишини ҳисоблаш» усул ва ҳисоблаш дастурлари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистоннинг ташқи иқлимининг энергетик имкониятларини баҳолаш бўйича комплекс ёндашув асосида қурилиш-иқлимий ҳудудларни районлаштириш зоналари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги дастурий модел ҳисоби натижаларининг, ҳақиқий ўлчов натижалари маълумотлари ва бир қатор муаллифлар томонидан амалга оширилган экспериментал тадқиқотлар билан мос келиши билан асосланади. Бундан ташқари илмий қоидалар, хулосалар ва тавсияларнинг ишончлилиги иссиқлик узатиш назарияси ва унинг вазифаларини ҳал қилишда қўллаш, шунингдек, назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларининг амалиётга жорий этиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фуқаро биноларини иссиқликдан ҳимоя қилиш назариясини кенгайтириш, шунингдек, қуруқ-иссиқ иқлим шароитида энергиясамарали қурилиш объектларининг тўсувчи конструкцияларни ўрганиш усуллари, такомиллаштиришдан иборат: йилнинг илиқ даврида

вертикал кўп қатламли тўсувчи конструкцияларда ностационар ҳарорат ва иссиқлик оқимларини тўсиқнинг иссиқлик қаришилигини аниқлашга имкон берувчи ҳисоблаш усулини; ташқи юзада нурли-конвектив иссиқлик алмашинуви жараёнида чордоқсиз ёпмаларнинг иссиқлик режимини баҳолаш учун ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Ўзбекистон ҳудудини қурилиш-иқлимий районлаштиришни янги иқлимий коэффициент билан таъминлаш ва биноларнинг тўсувчи конструкцияларини иссиқлик-техникавий лойиҳалаш норматив ҳужжатларини такомиллаштиришга ёрдам берувчи қоидаларни ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистоннинг қуруқ-иссиқ иқлими шароитларида бинолар иссиқлик ҳимоясининг самарадорлигини ошириш мақсадида тўсувчи конструкцияларининг иссиқлик режимини ҳисоблаш усуллари такомиллаштириш бўйича олинган натижалар асосида:

ёз даврида иссиқлик келишини ҳисобга олган ҳолда куёш радиациясини ҳисоблаш модели «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ тасаруфидаги «Тоштемирйўллойиҳа» МЧЖ объектида, жумладан Тошкент шаҳридаги 7 қаватли турар жой биносини лойиҳалашда жорий қилинган («Ўзбекистон темир йўллари» АЖ нинг 2018 йил 31 октябрдаги НГ/6128-18-сон маълумотномаси). Натижада фуқаро бинолари тўсувчи конструкцияларининг иссиқликдан ҳимоя қилиш оптимал тизимини танлаш вақтини 40%га ва энергия сарфини 10-12%га камайтириш имконини берган;

ҳудудлар иқлими энергия салоҳиятини тавсифловчи параметр “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ тизими тасарруфидаги Янгйер станциясида ошхона қурилишини лойиҳалашда жорий этилган (“Ўзбекистон темир йўллари” АЖнинг 2018 йил 31 октябрдаги НГ/6128-18-сон маълумотномаси). Натижада иқлимлаштириш тизимини танлаш вақтини 15%га қисқартиришга эришилган;

Ўзбекистоннинг иссиқ иқлим шароитларида юқори аниқликни таъминлайдиган ва ҳақиқий чизиқли бўлмаган иссиқлик узатиш жараёнларини иноватга олган ҳолда биноларнинг тўсувчи конструкцияларида иссиқлик узатиш жараёнларини ифодалайдиган математик модел Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги тасарруфидаги «ТошуйжойЛИТИ» АЖда Сузукота комплексидаги етти қаватли турар жой биноларини лойиҳалашда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг 2018 йил 30 ноябрдаги 5310/2-13-01-003-сон маълумотномаси). Натижада фуқаро бинолари тўсувчи конструкцияларининг иссиқликдан ҳимоя қилиш кўрсаткичларини 10-12%га қисқартириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг асосий натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-амалий ва илмий-техник анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 илмий иш, шундан монография 1 та ва Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари

асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 7 та мақола, шу жумладан чет элда 1 та мақола чоп этирилган ва 3 та ҳисоблаш дастурига муаллифлик гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 6 иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 124 бет, шу жумладан расмлар 34 та, жадваллар 20 та, фойдаланилган адабиётлар 127 номли рўйхатни ташкил қилади.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида бажарилган диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар шакллантирилиб, тадқиқотларнинг объект ва предметлари келтирилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги, олинган натижаларнинг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти, уларни қурилиш амалиётида қўлланилганлиги ҳамда тадқиқот натижаларининг нашри ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи **“Фуқаро бинолари энергия самарадорлигини ошириш масаласи ҳолати. Стационар иссиқлик узатиш жараёнининг мавжуд моделлари”** бобида бино тўсиқ конструкцияларини юқори иссиқликдан ҳимоялаш хоссаларини ошириш масалалари бўйича маҳаллий ва хорижий нашрлар адабий шарҳи келтирилган. Диссертация мавзуси бўйича келтирилган адабий шарҳ асосида ишчи гипотезаси ифодаланган, тадқиқотларнинг мақсад ва вазифалари аниқланган.

Ишчи гипотеза. Ўзбекистон Республикаси иқлимнинг ўзига хос хусусиятларини, иқлим ўзгариши тенденциялари ва энергия нархини мунтазам ошишини ҳисобга олган ҳолда, иссиқлик кўчиш жараёнларини ностационар моделлари ёрдамида, конструкциянинг энергия самарадорлигини баҳолаш, қулай яшаш шароитларини таъминлаш ҳамда эксплуатация харажатларини сезиларли даражада камайтириш бўйича комплекс ёндошувлар ишлаб чиқиш.

Диссертациянинг иккинчи **“Глобал иқлимнинг мавжуд динамикаси шароитида Ўзбекистон ҳудудида ташқи иқлимнинг энергия салоҳиятини баҳолашнинг комплекс ёндашуви”** бобида қурилган глобал иқлим шароитида Ўзбекистон ҳудудида ташқи муҳитнинг энергия салоҳиятини баҳолаш бўйича комплекс ёндашув кўриб чиқилди. Қуёш радиацияси, шамол тезлиги, ҳарорат, ҳар ойдаги булутсиз кунлар сони, ерга оид босим ва ҳаво намлиги иқлимий хусусиятлар сифатида ўрганилди. Асосий иқлим кўрсаткичларининг (ташқи ҳаво ҳарорати, шамол тезлиги ва қуёш радиацияси) комбинациясини қайд этиш йўли билан, ҳудуднинг энергетик иқлимий потенциалини тавсифловчи комплекс параметр олинди—қўшма таъминланганлик коэффиценти, муқобил энергия манбааларидан янада самарали фойдаланиш зоналарини аниқлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси ҳудудини районлаштириш учун қўлланилган (1 - расм).



1-расм. Ўзбекистон ҳудудининг қўшимча таъминланганлик коэффициентларини уч фазалик бўшлиқда тақсимланиши а) йилнинг совуқ даври, б) йилнинг иссиқ даври

Қўшимча таъминланганлик коэффициенти 0,8 дан кам бўлиб, 0,95% ишончлилик эҳтимоли билан ҳисобланганда, ушбу қурилиш ҳудудида муқобил энергия манбалари қўлланилиши самарадорлигини батафсил ҳисоблашни бажариш зарурлигини кўрсатади. Қўшма таъминланганлик коэффициенти-нинг бўшлиқдаги таҳлили шуни кўрсатдики, йилнинг совуқ вақтида муқобил энергия воситаларини маълум бир ҳудуд учун қўллаш мақсадга мувофиқдир, йилнинг илиқ вақтида ички ҳавони совутиш учун энергияни қўллаш фойдасиздир ва бу ҳолда энергия қиздиришга сарфланади.

Биоларнинг иссиқ иқлими географик ҳудудда жойлашганини эътиборга олиб, глобал исиш шароитида қуёш активлигининг ўзгаришлари таъсири, қуёш радиацияси тўғри ва тарқоқлигини қайд этиш ва ҳисоблашнинг тўғрилигини ташқи тўсиқлар конструктив ечими ва режавий ечимини қабул қилишда асосий аҳамиятга эга эканлигини ҳисобга олган ҳолда, “ҳақиқий булутлик” ва тарқоқ радиация шароитида эркин юзага тушувчи тўғри қуёш радиацияси алгоритми ишлаб чиқилди. Қиш даврида иссиқлик ҳосил бўлиши ҳисобини инобатга олган ҳолда, вақт ва координата функцияси сифатида, ориентирланган эркин юзага тушувчи, қуёш радиацияси ҳисобининг аниқлаштирилган математик модели тақдим этилган.

$$Q^{\text{гор}} = \sum_{i=1}^m Q_i^{\text{гор}} \cdot \alpha, \quad (1)$$


$$Q_j^{\text{вер}} = \sum_{i=1}^m Q_i^{\text{вер}} = \sum_{i=1}^m (S_{ji}^{\text{гор}} k_{ji} + D_i^{\text{гор}} / 2) \quad (2)$$

бу ерда, $Q_i^{\text{гор}}$ – иситиш даврининг i – ойи учун ҳақиқий булутли шароитида горизонтал юзага тушувчи жами қуёш нурланиши, кВт·ч/м²; m – ўртача кунлик ташқи ҳароратда $\leq t_{\text{кр}}=10^\circ\text{C}$ иситиш давридаги ойлар сони; α – иситиш даврига тўғри келувчи ой кунларининг улуши (иситиш даври бошида ва охирида қуёш нурлари тушишини янада аниқ ҳисоблаш учун қабул қилинган); $S_{ji}^{\text{гор}}$, $D_i^{\text{гор}}$ – иситиш даврининг i – ойидаги ҳақиқий булут шароитида горизонтал юзага тушувчи тўғри ва тарқалган қуёш радиацияси кВт·ч/м²; k_{ij} – тўғридан-тўғри қуёш нурларини горизонтал юзадан j - йўналиши

бўйича иситиш даврнинг i – ойи вертикал ҳолатидан қайта ҳисоблаш коэффициенти.

Барча йўналишли юзалар учун k_{ij} коэффициенти горизонтал юзадан тўғри қуёш нурланишини Ўзбекистоннинг кенгли зонасидаги вертикал юзага қайта ҳисоблаш учун аниқланган. Бундан ташқари, иситиш даврида турли йўналишли юзаларнинг вертикал сиртига тушувчи умумий қуёш нурларининг қиймати ўрнатилган.

Иссиқлик даврининг давомийлигини ҳисоблаш учун, ўртача ойлик ҳаво ҳароратининг гистограммаларини қуриш, кейинчалик текис графикга айлантириш ва абцисса ўқига параллел равишда текис чизиқли графикнинг кесишишини ташқи ҳаво ҳарорати $t_{кр} = 10^{\circ}\text{C}$ да аниқлаш алгоритми таклиф қилинди (2 – расм).



2-расм. Йилдаги иситиш даври давомийлиги ва ҳолатини Тошкент шаҳри мисолидаги ҳисоби

Иситиш даврининг давомийлигини ҳисоблаш учун ишлаб чиқилган алгоритм қўшимча таъминланганлик коэффициенти билан биргаликда қурилиш иқлимшунослик нуқтаи назаридан қурилиш-иқлимий районлаштиришни амалга оширишга имкон беради, бу эса ўз навбатида берилган ҳудуд иқлимининг энергетик имкониятларини ичига олувчи асосий тавсиф-лочисидир (3-расм).

Диссертациянинг учинчи “Ўзбекистон иссиқ иқлим шароитида қуёш радиациясини ҳисобга олган ҳолда кўп қатламли қурилиш конструкцияларида иссиқлик кўчиши вазифаларини ечиш усули” бобида биноларнинг ташқи тўсиқ конструкциялари иссиқлик кўчиши муаммосини математик шакллантириш ва уни ечиш усулларига бағишланган. Кўп қатламли тўсиқларни радиацион-конвектив иситиш механизмига ёз давридаги нурланиш

3. ($n = n_m$) ҳисоблаш нуқтаси ташқи юзада жойлашган.

$$\theta_{n_m, F_0 + \Delta F_0} = \theta_{n_m, F_0} + 2\Delta F_0 N \sqrt{\frac{\alpha_m}{\alpha_1}} \{ Bi_n [\theta_c(F_0) - \theta_{n_m, F_0}] + K_i(F_0) + Sk [\theta_c^4(F_0) - \theta_{n_m, F_0}^4] \} - 2\Delta F_0 N^2 (\theta_{n_m, F_0} - \theta_{n_m-1, F_0}). \quad (6)$$

4. ($n = 0$) ҳисоблаш нуқтаси ички юзада жойлашган.

$$\theta_{0, F_0 + \Delta F_0} = \theta_{0, F_0} + 2\Delta F_0 N^2 (\theta_{1, F_0} - \theta_{0, F_0}) - 2\Delta F_0 N Bi_{вн} (\theta_{0, F_0} - \theta_{вн}). \quad (7)$$

Юқоридаги формулалардан:

$$q_i = \sqrt{\frac{\alpha_1}{\alpha_i}}; \quad K_i = \Lambda_i \sqrt{\frac{\alpha_{i+1}}{\alpha_i}}; \quad n = \sum_{j=1}^i \frac{X_j - X_{j-1}}{\Delta X_j};$$

$$\Delta X_1 = \frac{1}{N}; \quad \Delta X_i = \Delta X_1 \sqrt{\frac{\alpha_i}{\alpha_1}}; \quad S_k = \frac{1}{\lambda_m} \varepsilon_{пр} \sigma_0 T_{max}^3 R_m.$$

(2-6) тенгламалар ўзгарувчан ўлчамсиз шаклда ифодаланади. Ўзгарувчан тизимда: $\theta = \frac{T}{T_{max}}$ – ўлчамсиз температура; T_{max} – ўлчамсиз қийматга келтириш масштаби; $X = \frac{x}{R_m}$ – ўлчамсиз координата; $Bi_{вн} = \frac{a_{вн} R_m}{\lambda_1}$, $Bi_n = \frac{a_n R_m}{\lambda_m}$ – Био сони; $Bi_{ki} = \frac{R_m}{\lambda_{i+1} R_{ki}}$ – ўлчамсиз параметр; i – дан ва $i+1$ – қатламлари таъсирлашув чегарасидаги R_{ki} термик қаршиликни ўз ичига олган, конструкциянинг алоҳида қатламларини контакт жойларидаги иссиқлик алмашинуви интенсивлигини характерловчи катталиқ; $Ki = \frac{\rho Q R_m}{\lambda_m}$ – Кирпичев сони; $A_i = \frac{\alpha_i}{\alpha_1}$, $\Lambda_i = \frac{\lambda_i}{\lambda_{i+1}}$; $S_k = \frac{1}{\lambda_m} \varepsilon_{пр} \sigma_0 T_{max}^3 R_m$ – Старк сони;

Иссиқлик алмашинув жараёнини ностационар моделлар қўллаш асосида, тўсиқ конструкциялари юзалари ориентацияси ва ташқи ҳаво ҳарорати тебранишлари таъсирини ҳисобга олувчи, аналитик боғлиқликлар олинган бўлиб, улар йилнинг илиқ даврида кўп қатламли вертикал тўсиқлардаги иссиқлик режимини характерлайди.

-иссиқлик оқимлари зичлиги $q_{н.пов}$ ни ташқи тўсиқ юзаси катталиги.

$$q_{н.пов} = \alpha_n [T_c(\tau) - T_{н.пов}(\tau)] + pQ(\tau) + \varepsilon_{пр} \sigma_0 [T_c^4(\tau) - T_{н.пов}^4(\tau)] \quad (8)$$

бу ерда, $T_{н.пов}(\tau)$ – конструкция ташқи юзаси ҳарорати.

-иссиқлик оқимлари зичлиги $q_{вн.пов}$ ни ички тўсиқ юзаси катталиги.

$$q_{вн.пов} = \alpha_{вн} [T_{вн} - T_{вн.пов}(\tau)], \quad (9)$$

бу ерда, $T_{вн.пов}(\tau)$ – ички тўсиқ юзаси ҳароратини даврий ўзгарувчиси.

Ёз мавсумидаги вертикал тўсиқ конструкциялари ҳарорат режимларини рақамли моделлаштириш ишлари олиб борилди: бешта икки қатламли (тўсиқнинг ташқи томонида жойлашган изоляция ва юк кўтариш учун турли материаллардан фойдаланиб) (1-жадвал).

Рақамли тажрибалар натижалари асосида радиацион-конвектив исишда типли тўсиқ конструкцияларида ҳарорат ва иссиқлик оқимларининг ўзгаришини тавсифловчи боғлиқликлар аниқланди (4-расм).


Радиацияни учта ташкил этувчиларини (конвектив, радиацион ва “атроф-муҳит”) ҳисобга олган ҳолда, ички тўсиқ юзасидаги ҳарорат ҳисоблари стандарт методика ҳисобларига нисбатан юқорироқ эканлиги 3-16% га, яъни уларни ҳисобга олмаса кун давомида ҳарорат мунтазам пасайишига олиб келиши аниқланди

1-жадвал

Ташқи деворлар (асосий қатлам) конструктив ечими1

№	Юк кўтарувчи қатлам		Изоляция қатлами		R, м²·К/Вт
	материал тури	δ, м	материал тури	δ, м	
I	темирбетон	0,03	пенополистирол	0,09	1,991
II	темирбетон	0,03	пенобетон	0,14	1,591
III	ғишт	0,38	минерал пахта	0,08	1,844
IV	ғишт	0,38	шишатолали пахта	0,10	2,417
V	керамзитбетон	0,30	органофосфат боғловчили минерал пахта	0,07	1,276

Йилнинг иссиқ даврида вертикал кўп қатламли тўсиқ конструкцияларида ностационар ҳарорат ва иссиқлик оқимларини ҳисоблаш учун ишлаб чиқилган усул тўсиқларнинг термал барқарорлигини тўғри аниқлаш имконини беради.



4-расм. Ташқи тўсиқ юзаси (1), ташқи ҳаво (2), ички юза (3), стандарт усул билан ҳисобланган (4) тўсиқнинг ички юзаси ҳароратининг суткадаги ўзгаришлари

Чордоқсиз қопламаларда иссиқлик кўчиши ностационар жараёнларини математик моделлаштириш ўтказилди:

Иссиқлик ўтказувчанлик дифференциал тенгламалари таърифлайдиган бириктирилган том конструкцияси ичидаги ҳарорат майдони:

$$\frac{\partial T_i}{\partial \tau} = a_i \frac{\partial^2 T_i}{\partial x^2}, \quad i = 1, 2, 3, \dots, m, \quad (10)$$

туташма қатламлар бирлашмаси шароитида:

$$\lambda_i \frac{\partial T_i}{\partial x} = \frac{T_{i+1} - T_i}{R_{ki}} = \lambda_{i+1} \frac{\partial T_{i+1}}{\partial x}, \quad x = x_i, \quad (11)$$


чегаравий шартлар:

$$T_i = T_i(x), \quad \tau = 0, \quad (12)$$

ва чегаравий

$$\left. \begin{aligned} -\lambda_i \frac{\partial T_i}{\partial x} &= \alpha_{\text{вн}} (T_{\text{вн}} - T_i), \quad x = 0, \\ \lambda_m \frac{\partial T_m}{\partial x} &= q_k + q_{\text{рад.}} - q_{\text{рад.н.}}, \quad x = R_m \end{aligned} \right\} \quad (13)$$

Тенгламанинг (12) ўнг томони иссиқлик оқимининг зичлиги конвекция билан $q_k = \alpha_n [T_c(\tau) - T_m]$, шунингдек, қуёш нурларини ютилишини $q_{\text{рад}} = p \cdot Q(\tau)$ ҳисобга олган ҳолда келтирилган. Радиация оқимларининг юзаси зичлигини $q_{\text{рад.н.}}$ булутсиз осмонга қарайдиган томга қўлланганда, С.А.Заколеев томонидан олинган ва $q_{\text{рад.н.}} = \varepsilon_{\text{пр}} \cdot E$ осмон радиациясини ҳисобга олувчи формула билан ҳисоблаш мақсадга мувофиқлиги аниқланди. Бу ҳолда, бириктирилган томнинг элементлари температурасидаги кундалик ўзгаришларининг ҳисобланган қийматлари экспериментал маълумотлар билан тўлиқ мос келишидадир (5-расм).



5-расм. Томнинг бириктирилган элементлари ҳароратини кунлик тебраниши: а) қопламанинг ташқи юзаси; б) изоляция ташқи юзаси; в) конструкция (шифт) ички юзаси.

Ташқи юзадаги радиацион-конвектив иссиқлик алмашинувида чордоқсиз қопламалар иссиқлик турғунлиги ва иссиқлик режимини баҳолаш усули ишлаб чиқилди.

Диссертациянинг тўртинчи “Ўзбекистон иқлими шароитида ёз мавсумидаги тўсиқларнинг иссиқлик режимини экспериментал тадқиқоти ва ҳисоби” бобида бажарилган ўлчовларни таҳлил қилиш, рақамли моделлаштириш ва экспериментал маълумотлар натижаларини солиштириш келтирилган.

Тошкент шаҳридаги вертикал тўсиқ конструкциясида (ғишт ва пенопласт изоляцияли ғиштли қўйилма) қават орасидаги хона тўсиқлари ориентацияси шарқ томон йўналтирилган ҳолда экспериментал тадқиқотлар амалга оширилган. Тажриба ўтказиш жарёнида: CHIGOKFR-35GW(79) сплит тизими (доимий ички ҳаво ҳарорати билан таъминлаш учун); термопарлар хромель-копель (тўсиқ юзаси қалинлигида ҳароратни ўлчаш учун); ВКТ-4М иссиқлик миқдорини ўлчагич; Янишевский М-80 универсал пиранометри (горизонтал юзага тўғри келувчи умумий радиацияни ўлчаш учун мўлжалланган); ГСА-1МА стрелкали актинометрик гальванометр ва бошқа турдаги ускуна мосламалардан фойдаланилган.

Умумий қуёш радиацияси ишлаб чиқилган алгоритмни рақамли амалга ошириш ҳақиқий ўлчов маълумотлари билан яхши яқинлашувга эгаллигини кўрсатди. Бир ва икки қатламли конструкцияларда иссиқлик кўчиш жараёни рақамли ҳисоблашлари ва ҳақиқий ўлчовлар натижаларини таққослаш шуни кўрсатдики, ишлаб чиқилган модел тўсиқлардаги иссиқлик узатиш жараёнларини (ишончлилиқ коэффициенти 0,892 дан 0,989 гача) ишончли тарзда аниқлайди.

Диссертациянинг бешинчи **“Термомониторинг ва лойиҳаланаётган уй-жой биноларини иссиқликдан ҳимоялашни кучайтириш чора-тадбирларини қайта тикланиши услубиёти ҳисоби ва дастурий комплекси”** бобида энергияни тежашга сарфланган маблағларни қоплаш ва иқтисодий самарадорлик масалалари кўриб чиқилган. Энергияни тежаш чора-тадбирларини қайта тикланиши ҳисоблаш схемасини ишлаб чиқишда иккита вариант кўриб чиқилди: 1. Оддий қайтарилиш (инфляцияни ҳисобга олмаганда, кредит бўйича фоизлар, иссиқлик энергияси тарифларининг ўсиши); 2. Иссиқлик энергияси тарифлари ўсишини ҳисобга олган ҳолдаги мураккаб қайта тикланиш (тариф ўсиши динамикаси қиймати (чорак, йил) моделининг асосий кўрсаткичлари масалан, 5, 10, 15 % ва бошқалар).

Тўсиқ конструкциялари изоляцияси бўйича бажарилган чора-тадбирлар қайта тикланиш муддати T қуйидаги нисбатда аниқланади:

$$T = \frac{K_2 - K_1}{\Delta_2 - \Delta_1} = \frac{\Delta K}{\Delta \Delta} \quad (13)$$

бунда, ΔK –ташқи деворни 1 м^2 га келтирилгандаги капитал харажатлардаги фарқ; $\Delta \Delta$ - 1 м^2 ташқи деворни (Δ_1) изоляция қилишдан олдин ва изоляция қилишдан кейинги (Δ_2) чора-тадбирлардаги иссиқлик энергиясини ёқотилишидаги фарқи:

$$\Delta \Delta = \Delta_1 - \Delta_2 = Q_1 \cdot c_T - Q_2 \cdot c_T = (U_1 - U_2) \frac{0,024 \cdot D_d}{1163} c_T, \quad (14)$$

бунда, U_1 ва U_2 - бинонинг тўсиқ конструкциялари иссиқлик узатиш коэффициенти; $U_i = \frac{1}{R_i}$; D_d – иситиш даври куни; c_T –тариф қийматлари шаҳар ИЭС даги марказлаштирилган иситишда сум/Гкал ва электрли иссиқлик таъминотида сум/кВт·с да қабул қилинади.

Келтирилган алгоритмга кўра, дастурий таъминоти ишлаб чиқилган бўлиб, алгоритмни аниқлигини баҳолаш мақсадида Ўзбекистоннинг иқлим

зоналари учун ҳисоблашлар амалга оширилди. ТЕХНОФАС ва ЭКОВЕР ФАСАД базальт асосидаги минерал пахталари изоляция сифатида кўриб чиқилди.

Фасадларни қўшимча изоляциялашдаги сармоя маблағларининг қайта тикланиши ва конструктив ечим умрбоқийлигини прогнозини (20 йилга тенг шартли фойдаланиш муддати) солиштириш асосида натижалар олинди. Иссиқлик энергияси тарифларини ўсишини ҳисобга олган ҳолда, қайта тикланиш муддатлари ҳисоби бўйича Ўзбекистон иқлим шароити учун икки турдаги изоляциялардан (ТЕХНОФАС ва ЭКОВЕР ФАСАД) ТЕХНОФАС самарали ҳисобланади.

ХУЛОСА

“Ўзбекистоннинг қуруқ-иссиқ иқлими шароитларида бинолар иссиқлик ҳимоясининг самарадорлигини ошириш мақсадларида тўсувчи конструкциялари иссиқлик режимини ҳисоблаш услубларини такомиллаш-тириш” фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси бўйича ўтказилган экспериментал-назарий тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар шакллантирилган:

1. Йилнинг иссиқ даврида тўсувчи конструкцияларнинг иссиқлик режимини ҳисоблаш усуллари янада такомиллантириш, ташқи ҳаво ҳароратининг тебранишлари, тўсувчи конструкция юзасининг йўналиши, тўсиқ сирти таъсири, иссиқлик изоляцияси қатламининг жойлашувини ҳисобга олган ҳолда биноларда иссиқлик режимларини таъминлашнинг долзарб муаммоларининг янги ечимини олишга эришилди.

2. Йилнинг иссиқ даврида бинонинг тўсувчи конструкциялардаги иссиқлик кўчиши жараёнларини реал чизиксиз ифодаловчи математик моделни ишлаб чиқишни такомиллаштиришга қаратилган ёндошув таклиф қилиндики, ушбу ёндашувда қурилиш объектларининг ташқи қобиғининг ҳақиқий иссиқликка бардошлигини аниқлаш масалаларини ечишда, “осмон” ва тўсиқ орасидаги, яқин жойлашган бино ва тўсиқ орасидаги ҳамда ер ва тўсиқ орасидаги натижали нурланишни ҳисобга олиш имкониятини яратади. Шахсий компьютер учун ушбу моделни амалга оширувчи “Ўзбекистон ҳудуди учун эркин йўналтирилган юзага тушувчи қуёш нурланишини ва қўшма таъминланганлик коэффициентини ҳисоблаш” дастур ишлаб чиқилди. Натижада турли аҳоли пунктлари учун иситиш мавсуми давомийлиги 4 дан 22% гача камайтирилиши мумкин.

3. Ўзбекистон ҳудудининг замонавий иқлимий тавсифлари белгиланган бўлиб, улар қуруқ-иссиқ иқлим шароитларида иссиқлик муҳофазасини ривожлантиришга ёндошувини аниқлаштириш ва такомиллаштириш иссиқлик техник ҳисобларида фойдаланиш имконини беради.

4. Иқлимнинг қўшимча таъминланганлик коэффициенти, иситиш даври давомийлиги сифатида қўлланувчи асосий мезонлар ва бинонинг тўсиқ конструкцияларига атроф-муҳитнинг энергетик таъсирини баҳолаш бўйича

комплекс ёндашув асосида Ўзбекистон ҳудудини иқлимий ҳудудларга ажратиш усули таклиф қилинди.

Ўзбекистон ҳудудларини қурилиш-иқлимий районларини аниқлашда бино хоналарини талаб қилинган микроиқлимни таъминлаш учун муқобил энергия манбаларини қўллаш мақсадли эканлиги илмий-асослари ишлаб чиқилди ва фойдаланиш давридаги энергия истеъмоли кўрсатиб берилди.

5. Йилнинг иссиқ даврида бинонинг тўсиқ конструкцияларидаги иссиқликни чизиксиз кўчиш жараёнларини тавсифловчи математик моделини такомил-лаштиришга қаратилган ёндошув таклиф қилинмоқда, ушбу ёндашувда қурилиш объектлари ташқи қобиғининг ҳақиқий термал барқарорлигини “осмон” ҳамда тўсиқ, тўсиқ ва яқин жойлашган бинолар, ер ва тўсиқларнинг натижавий нурланишини аниқлаш имконини беради.

6. Кўп қатламли тўсувчи конструкциялар сиртининг ориентацияси, қуёш радиацияси интенсивлигининг таъсири, ташқи ҳаво ҳарорати тебраниши таъсирларини ҳисобга олувчи, иссиқлик кўчиши жараёнларини ностационар моделларини қўллаш асосида, йилнинг иссиқ даврида вертикал ва горизонтал кўп қатламли тўсиқларни иссиқлик режимларини тавсифловчи аналитик боғланиш олинди. Математик моделлаштиришни амалга ошириш учун шахсий компьютерга “Қуёш нурланишини ҳисобга олган кўп қатламли қурилиш конструкцияларида иссиқлик кўчишини ҳисоблаш” дастури ишлаб чиқилди. Ташқи ҳаво ҳарорати тебранишлари амплитудаси ҳисобининг сўниш катталиги таклиф этилган стандарт усул билан ҳисобланганда 2,6-32% фарқ қилиш, унинг конструктив ечимига боғлиқ ҳолдаги “қуршов” радиациясини қўшимча ҳисобга олган тўсиқ ички сиртида 3-16% га ошиши рақамли тажрибаларда аниқланди.

7. Йилнинг иссиқ даврида вертикал кўп қатламли тўсувчи конструкцияларда ностационар ҳарорат ва иссиқлик оқимларини ҳисоблаш учун ва тўсиқларни термал қаршилигини аниқлаш имконини берувчи, уларнинг рақамли натижалари 0,892 дан 0,899 гача бўлган корреляция коэффицентлари билан тавсифланадиган усул ишлаб чиқилди.

8. Ташқи сиртдаги радиацион-конвектив иссиқлик алмашинувида чордоқсиз қопламалар термал қаршилиги ва иссиқлик режимини баҳолаш учун ҳисоблаш усули ишлаб чиқилди.

9. Бино фасадларини қўшимча изоляция қилишга йўналтирилган энергия тежаш тадбирларини иссиқлик энергияси тарифларини ўсишини ҳисобга олган ҳолдаги ҳисоблаш усули ва модели таклиф этилди. Иссиқликни ҳимоя қилишдаги оптималлаштириш вақтини 40-50% қисқартириш имконини берди.

10. Тадқиқот натижаларини лойиҳавий амалиётга жорий қилишнинг тадбиқ этилиши фуқаро бинолари тўсиқ конструкцияларини ҳимоялашнинг иссиқлик тизимларини мақбулларини танлаш вақтини тежаш имконини берди. Объектларнинг энергия истеъмолини 10-12% га камайтирилди.

Тадқиқот натижалари АЖ “Тоштемирйўллойиҳа” ва АЖ “ТошуйжойЛИТИ” лойиҳалаш амалиётига жорий этилган, натижада фуқаро бинолари тўсиқ конструкцияларини иссиқликдан ҳимоя қилишни 10-12% га

оптимал тизимини танлаш вақтини 40% га қисқартириш имкониятини ва жами 199,28 миллион сум иқтисодий самарадорлик берган;

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т. 11.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ ИНСТИТУТЕ, ТАШКЕНТСКОМ
ИНСТИТУТЕ ИНЖЕНЕРОВ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА,
САМАРКАНДСКОМ АРХИТЕКТУРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ
ИНСТИТУТЕ И НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-СТРОИТЕЛЬНОМ
ИНСТИТУТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО
ТРАНСПОРТА**

ШАРИПОВА ДИЛАФРУЗ ТОУФУКОВНА

**РАЗВИТИЕ МЕТОДОВ РАСЧЕТА ТЕПЛОВОГО РЕЖИМА
ОГРАЖДАЮЩИХ КОНСТРУКЦИЙ В ЦЕЛЯХ ПОВЫШЕНИЯ
ЭФФЕКТИВНОСТИ ТЕПЛОВОЙ ЗАЩИТЫ ЗДАНИЙ В УСЛОВИЯХ
СУХОГО ЖАРКОГО КЛИМАТА УЗБЕКИСТАНА**

05.09.01 – Строительные конструкции, здания и сооружения

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
НА СОИСКАНИЕ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент-2019

Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2018.2. PhD /Т.826.

Диссертация выполнена в Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице (www.taqi.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Щипачева Елена Владимировна
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Ашрабов Анвар Аббосович
доктор технических наук, профессор

Аббасов Ёркин Садыкович
доктор технических наук, доцент

Ведущая организация:

Самаркандский архитектурно-строительный институт

Защита диссертации состоится «5» марта 2019 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.т. 11.01 при Ташкентском архитектурно-строительном институте, Ташкентском институте инженеров железнодорожного транспорта, Самаркандском архитектурно-строительном институте и Наманганском инженерно-строительном институте. (Адрес: 100011, г. Ташкент, улица Абдулла Кадыри, дом №7В. Тел.: 241-10-84; факс: (998 71) 241-80-00, e-mail: taqi_atm@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского архитектурно-строительного института (зарегистрирована за № 19). Адрес: 100011, г. Ташкент улица Навои, дом №13. Тел.: (998 71) 244-63-30; факс: (998 71) 241-80-00

Автореферат диссертации разослан «20» февраля 2019 года.

(реестр протокола рассылки № 2 от «23» января 2019 года)

Х.А. Акромов

Председатель научного совета по присуждению
ученых степеней, д.т.н., профессор

Х.Х. Камилов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, к.т.н., профессор

А.А. Ходжаев

Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике строительства в последние годы расширяется возведение зданий имеющих повышенные теплозащитные свойства. В развитых странах, например, таких как США, Германия, Дания, Италия, Финляндия, Нидерланды и Япония сегодня особое внимание уделяют созданию новых, энергоэффективных материалов и конструкций их использованию, изучению влияния сухого и жаркого климата на строящиеся здания и сооружения, совершенствованию технологий их проектирования и прогнозирования. При этом одной из важнейших задач является совершенствование строительных норм и стандартов, а также обеспечение соответствия им строительных объектов, изучение динамики распространения теплоты в ограждающих многослойных конструкциях, совершенствование методов расчета теплоустойчивости в условиях летнего перегрева, установление эффективности энергосберегающих мероприятий.

В мире осуществляются научные исследования, направленные на разработку математических моделей, надежно характеризующих теплофизические процессы, протекающие в ограждающих конструкциях под воздействием внешних климатических факторов. В связи с этим, особое значение приобретают разработка методики и математической модели расчета нестационарных температур и тепловых потоков для горизонтальных и вертикальных ограждающих конструкций с учетом их ориентации по сторонам света, наиболее точно описывающих реальные физические процессы, а также установление степени экономической целесообразности повышения энергетической эффективности наружных стен и покрытий гражданских зданий в современных климатических условиях.

В области капитального строительства в Узбекистане осуществляются крупномасштабные мероприятия по внедрению энергосберегающих технологий, направленных на снижение эксплуатационного энергопотребления гражданскими и промышленными зданиями. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлены такие задачи, как «...повышение конкурентноспособности национальной экономики, ...сокращение в экономике энергетических и материальных расходов, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий». Одним из важных вопросов при реализации этих задач является совершенствование методик исследования ограждающих конструкций для энергоэффективных строительных объектов в условиях сухого жаркого климата, методов расчета конструкций при лучисто-конвективном теплообмене на внешней поверхности.

Диссертационное исследование, в определенной мере, служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента

Республики Узбекистан от 28 сентября 2016 года №ПП-2615 «О программе мер по дальнейшему развитию строительной индустрии на 2016-2020 годы», от 8 августа 2017 года №ПП-3182 «О первоочередных мерах по обеспечению ускоренного социально-экономического развития регионов», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Исследования выполнены в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан по теме II. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. В научной литературе ближнего и дальнего зарубежья четко прослеживается тематика, связанная с новыми конструктивными решениями ограждающих конструкций, ориентированных на новейшие технологии, в том числе на системы наружной теплоизоляции, вентилируемые ограждения, трехслойные конструкции, а также с анализом этих решений с целью подтверждения их энергоэффективности. Большой вклад в решение указанных проблем внесли такие ученые, как Lay S. D. Redpath J. T., Bodmenn H.W. Hopkinson R.G., Manning, P.Taylor, L.H, Ne'eman E., Hopkinson R. G. И др. Фундаментальные исследования Г. С. Карслоу и Д. К. Егера, А.В. Лыкова, Ю. А. Михайлова, П. В. Цоя, Э. М. Карташова, О. М. Алифанова, А. Г.Шашкова, Н. И. Никитенко, Л. А. Коздобы, В.С. Зарубина, Ф.М. Камьи, В.Л. Рвачева и А.П. Слесаренко, Н. М. Беляева, А. А. Рядно, Ю.С. Постольника и других посвящены вопросам изучения теории теплопроводности. В 80-х годах прошлого столетия российскими учеными Ю. А. Табунщиковым, Ю. А. Матросовым и М. М. Бродачом были предложены основы тепловой защиты ограждающих конструкций зданий. Огромный вклад в развитие теории теплоустойчивости в строительной физике внесли О. Е. Власов, Л. А. Семенов, А. М. Шкловер и др.

Таковыми узбекскими учеными, как Е.А.Насонов, С.А.Ходжаев, Р.М.Маракаев, Р.А.Кучкаров и др. были осуществлены исследования, направленные на совершенствование нормативной базы в сфере повышения энергоэффективности зданий. Е.В. Щипачевой были расширены основы тепловой защиты гражданских зданий путем учета особенностей воздействия климата центральноазиатского региона на формирование внутренней среды помещений. Узбекские геофизики Г. Я. Умаров и А. Я. Ершов еще в начале 70-х годов прошлого столетия изучали возможность использования солнечной энергии для повышения энергоэффективности гражданских зданий.

Анализ ранее выполненных исследований, а также опыт проектирования и строительства в Центральной Азии показывает, что для создания все более совершенных строительных конструкций с повышенными теплозащитными свойствами требуется накопление достаточно полной и достоверной информации о процессах переноса теплоты в многослойных конструкциях в современных климатических условиях. Кроме этого, учитывая имеющиеся расхождения между данными теоретических и экспериментальных исследований, требуют уточнения известные приближенные формулы для

оценки затуханий температурных колебаний, тепловой инерции, которые были получены на основе упрощенной линейной модели процесса нестационарной теплопроводности, заменившей нелинейную модель процесса теплопереноса.

Связь темы диссертации с планами научно-исследовательских работ высшего учебного заведения и научно-исследовательского учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в рамках научно-исследовательских работ Ташкентского института инженеров железнодорожного транспорта: по проекту: А-15-2018 «Экспресс-метод оценки окупаемости инвестиций по термообновлению наружных стен жилых зданий в климатических условиях Республики Узбекистан с учетом повышения цен на энергоносители» (2018-2019 гг.).

Целью исследования является совершенствование методики расчета тепловых режимов ограждающих конструкций зданий с учетом влияния колебаний температуры наружного воздуха и интенсивности солнечной радиации.

Задачи исследования:

разработать модель расчета солнечной радиации в качестве функции координат и времени;

на основе комплексного подхода по оценке энергетических возможностей климата Узбекистана выполнить климатическое районирование территории Узбекистана в изменяющихся условиях глобального и регионального климата;

разработать методику и математическую модель расчета нестационарных температур и тепловых потоков для горизонтальных и вертикальных ограждающих конструкций с учетом их ориентации на стороны света;

провести численные эксперименты для изучения изменяющихся значений величин тепловых потоков и температур в ограждающих конструкциях зданий для климатических районов Узбекистана;

выполнить теоретическую оценку тепловых режимов без чердачных покрытий в условиях лучисто-конвективного обогрева;

разработать методику и компьютерную программу расчета сроков окупаемости энергосберегающих мероприятий, направленных на повышение уровня тепловой защиты ограждающих конструкций гражданских зданий в современных условиях.

Объектом исследования являются наружные ограждающие конструкции гражданских зданий.

Предметом исследования являются экспериментальные и теоретические основы проектирования наружных ограждающих конструкций зданий.

Методы исследований включают в себя: аналитическое обобщение известных научных и технических результатов, физико-математическое моделирование изучаемых процессов, реализацию положений теории

вероятности и математической статистики, натурные экспериментальные измерения.

Научная новизна исследований заключается в следующем:

разработана модель расчета солнечной радиации, как функции координат и времени, падающей на произвольно ориентированную поверхность в летний период;

разработан параметр, характеризующий энергетические возможности климата территории - коэффициент совместной обеспеченности, позволяющий устанавливать зоны наиболее благоприятные для использования возобновляемых источников энергии;

разработана математическая модель, описывающая процессы переноса теплоты в ограждающих конструкциях зданий, отвечающая реальным нелинейным процессам теплопереноса и обеспечивающая высокую точность в условиях жаркого климата Узбекистана.

